

## Уйимизга шайтон кирмасин десак



15:00 / 29.11.2021 2271

■Ибодатларга лоқайд бўлмаслигимиз керак. Аёллар намозларини қолдирмасликлари лозим, эркаклар эса уйларида нафл намозлар ҳам ўқиб туришлари керак.

■Уйимизда зикрлар қилинсин. Кунлик Қуръондан вазифаларимиз бўлиши керак. Буларни жиддий татбиқ қилиш лозим.

■Уйимиз илм билан машғул инсонларнинг уйи бўлиши керак: қанча ҳадис ўқилди, қанча ҳадис ёдланди, қайси суралар ўқилди ва тафсирилар ўқишнинг аҳамияти катта. Илмсиз, жоҳил инсон шайтондан қандай қилиб ҳимоялансин?! Уйимизда ҳафталик, ойлик дарслар бўлиши керак. Эшикларимизни илм шайдоларига очишимиз, китоблар мутоала қилишимиз керак.

■Телевизор, компьютер каби жиҳозларга сарфлайдиган вақтимизни чегаралашимиз лозим. Уларни жиддий назорат қилиб фойдаланиш керак.

■Уйимизга келадиган меҳмонларнинг қандай инсонлигига аҳамият беришимиз керак, келганлар уйимизга фитна олиб келишига йўл қўймаслигимиз керак.

■Уй зиндон каби бўлмаслиги керак, шариатимизга уйғун бўлган жойларда сайр қилиш ва дам олиш учун имконият яратиш керак.

■Илмий ва шаръий мажлисларга қатнашиб туриш керак.

■Уйларимиз эшиги қариндошларга ҳар доим очиқ бўлиши керак.

■Солиҳ инсонларни, илм аҳилларини оила аъзоларимизнинг улардан ўрناق олишлари ва уларнинг насиҳатларини эшитишлари учун уйимизга чақириб туришимиз керак.

■Уйларимизда ит боқмаслигимиз ва жонли нарсаларнинг расмлари бўлмаслиги керак.

■Уй аҳли ҳеч бўлмаганда йилда бир марта бақара сурасини ўқишлари керак.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уйларингизни қабрга айланторманглар. Бақара сураси ўқилган уйга шайтон кирмайди», дедилар». *Термизий ривоят қилган.*

***Шайх Нуриддин Йилдизнинг «Қиблагоҳ уйлар» асари асосида  
тайёрланди  
Таржимон Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф***